

6-29-2019

## ANALYZING THE CONCEPTS OF "ENVIRONMENTAL EDUCATION" AND "ENVIRONMENTAL STUDIES"

Sh. Avazov

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

F. Saydamatov

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

X. Allaberganov

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>

 Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Avazov, Sh.; Saydamatov, F.; and Allaberganov, X. (2019) "ANALYZING THE CONCEPTS OF "ENVIRONMENTAL EDUCATION" AND "ENVIRONMENTAL STUDIES";" *BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss2/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

## «ЭКОЛОГИК МАЪРИФАТ» ВА «ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ» ТУШУНЧАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ш. Авазов, Ф. Сайдамов, Х. Аллаберганов

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 100070. Тошкент шаҳри

E-mail: [avazov-sh@mail.ru](mailto:avazov-sh@mail.ru)

### Abstract

#### ANALYZING THE CONCEPTS OF "ENVIRONMENTAL EDUCATION" AND "ENVIRONMENTAL STUDIES"

Sh. Avazov, F. Saydamatov, X. Allaberganov

The article describes the nature of the concepts of "environmental education" and "environmental studies" by analyzing the concepts of "education" and "study."

**Keywords:** education, study, environmental education, environmental study, environmental knowledge, environmental skills.

### Аннотация

#### «ЭКОЛОГИК МАЪРИФАТ» ВА «ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ» ТУШУНЧАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ш. Авазов, Ф. Сайдамов, Х. Аллаберганов

Мақолада «маърифат» ва «таълим» тушунчалари таҳлили орқали «экологик маърифат» ва «экологик таълим» тушунчалари моҳияти баён этилган.

**Калим сўзлар:** маърифат, таълим, экологик маърифат, экологик таълим, экологик билим, экологик кўникма ва малакалар.

### Аннотация

#### АНАЛИЗ ПОНЯТИЙ «ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ» И «ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ОБУЧЕНИЕ»

Ш. Авазов, Ф. Сайдамов, Х. Аллаберганов

В статье описана сущность понятий «экологическое образование» и «экологическое обучение» посредством анализа понятий «образование» и «обучение».

**Ключевые слова:** образование, обучение, экологическое образование, экологическое обучение, экологические знания, экологические умения и навыки.

Бугунги кунда педагогика, хусусан, география ва биология таълими назарияси ва методикасидаги энг мураккаб, чалкашиб кетган, кўпинча синоним тарзида қўлланилаётган иборалардан бири «экологик маърифат» ва «экологик таълим» тушунчалари бўлиб қолмоқда. Бу тушунчалар аслида синоним эмас. Уларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниш учун энг аввало «маърифат» ва «таълим» тушунчаларини қиёсий таҳлил этиш талаб этилади.

«Маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия» (Ўзбек тили ..., 1981). «Маърифат (арабча «арафа» – «билмоқ» сўзидан) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият» ( Мустақиллик...,1998). Шундай экан, маърифат – таълим ва тарбия, шахс камолоти ва маданияти жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги, узвий бирлигини акс эттиради. Мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини тарбиялаш – маърифий жараённинг энг муҳим шартидир. Маърифат одамни дунёвий қадриятлар, фан ва техника ютуқлари билан таништиради ҳамда одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳити ҳисобланади. Шахс маърифат туфайли ижтимоийлашади ва муайян касбни эгаллайди. Жамиятнинг интеллектуал-маънавий ва ахлоқий-маданий салоҳияти маърифатга бевосита боғлиқдир. Маърифатлилиқ (ўқимишлилик) – одамнинг бошланғич, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ёки олий маълумотга эгаллик даражасини, бошқача айтганда, билим, кўникма ва малакаларни, тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришган савиясини ифодалайди.

### Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот объекти сифатида «экологик маърифат» ва «экологик таълим» тушунчаларининг қиёсий таҳлили олинди. Тадқиқотда тўпланган тажриба ва маълумотларни такқослаш, илмий-методик қиёсий таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ҳар қандай шахс ёки жамиятнинг маънавияти, мафкураси ва маданияти – маърифатдан бошланади. Маърифатли бўлиш одамнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрни, мақсади, бурчи ва масъулиятини англашидан бошланади, акс ҳолда, у ҳар қанча билимли бўлса-да, маърифатли ҳисобланмайди. Маърифатли бўлиш, унга эришиш учун энг аввало илм (билим) олиш талаб этилади, шу сабабли аждодларимиз асрлар давомида «илм» ва «маърифат» сўзларини бир-бирдан ажратмаган ҳолда, яъни «илм-маърифат» шаклида қўллаб келганлар.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда «маърифат» тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин:

**Маърифат** – одамзоднинг ирсий ва жамиятнинг ижтимоий дастурларига мувофиқ таълим ва тарбия жараёнларининг бирлигида кечадиган, шахс истеъдоди (иқтидори) асосида инсон камолотини тартибга солиб (ўзига бўйсундириб), уни комилликка элтадиган ижтимоий ҳодиса – жамият, ижтимоий онг ва шахс тузилмаларидан иборат алоҳида соҳа бўлиб, одамнинг муайян билим, кўникма ва малакаларида, амалий ва ижодий фаолият тажрибасида намоён бўладиган умуммаданий меъёрлар ва кадриятларни, компетенцияларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш жараёни ва натижаси сифатида кишиларнинг онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолият. Бу фаолиятнинг асосини таълим, тарбия, шахс камолоти ва маданиятини шакллантириш жараёнлари, уларнинг узвий боғлиқлиги ва бирлиги, оддий қилиб айтганда, узлуксиз педагогик жараён ташкил қилади. Демак, таълим – маърифатнинг асоси, энг муҳим (бирламчи) таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Зеро, таълимсиз маърифий фаолият ёки жараён амалга ошмайди.

**Таълим** - таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, ижодий қобилияти ва маънавий-ахлоқий қарашларини ривожлантириш бўйича фаол ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришга йўналтирилган, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида мақсадли, тизимли, мунтазам равишда махсус ташкил этиладиган, бошқариладиган педагогик мулоқот жараёни; илмий билимлар ва фаолият усуллари тизимини, инсоний маданиятни ўзлаштиришга (эгаллашга) асосланган шахс камолотининг (ривожланишининг) мақсадли, ижтимоий ва индивидуал, педагогик ташкил этилган жараёни; маърифий жараённи ташкил этиш усули. Таълим жамиятда шаклланган ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши ва авлоддан-авлодга ўтказилишини таъминлайди. Ўқимишли бўлишнинг, яъни маълумот олишнинг энг асосий усули таълим ҳисобланади.

Таълим жараёни асосида ўқитиш ва ўқиш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги туради. «Таълим жараёни» тушунчасининг синоними сифатида «ўқув жараёни» тушунчаси ишлатилади. Олий таълим муассасасидаги ўқув жараёни – профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятидир. Бундай фаолият давомида профессор-ўқитувчи талабалар фаолиятини зарур томонга йўналтиради, информациялар (ахборотлар, маълумотлар) билан таъминлайди, ташкил қилади ва рағбатлантиради. Шу билан бир қаторда талабаларнинг ишларини тўғрилаб туради ва текширади. Талабанинг вазифаси муайян фаолият, кўникма ва малакалар мазмуни ва турларини эгаллашдан иборат бўлади.

Таълим жараёнини мажму (tizim) сифатида қуйидагича тавсифлаш мумкин: «мақсад – ўқитувчи фаолияти – таълим мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари – ўқувчи фаолияти – натижа».

Таълимнинг қуйидаги мақсадларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш; 2) талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини рағбатлантириш; 3) талабаларнинг тафаккури ва ижодий қобилиятини ривожлантириш; 4) талабаларда диалектик-материалистик дунёқараш ва маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш. Таълим жараёнида маърифий (билимларни эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш), тарбиявий (талабаларни ўқув фаолияти орқали тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатлар, қарашлар ва эътиқодларни шакллантириш), ривожлантирувчи (талаба шахсида руҳий жараёнлар ва сифатларни шакллантириш) вазифалар ҳал этилади. Таълим жараёнини бошқариш педагогик жараён тузилмасига мувофиқ маълум босқичларда ўтади: режалаштириш; тайёргарлик кўриш; амалга ошириш (ташкил этиш); тартибга солиш (рағбатлантириш); назорат қилиш ва баҳолаш; натижаларни таҳлил қилиш. Таълимнинг методик таъминоти (методикаси ва технологияси) бу босқичларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беради.

Таълим жараёнига қуйидаги хусусиятлар хос: 1) чамбарчас боғланган икки томонлама табиатга эгаллиги: *ўқитиш* – профессор-ўқитувчининг таълим-тарбия мақсадларини рўёбга чиқаришга, талабаларнинг тегишли билим, кўникма ва малакаларга (компетенцияларга) эга бўлиши ва уларни амалиётда қўллаш олишини таъминлашга йўналтирилган батартиб фаолияти; талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш; таълим жараёнининг таркибий қисмларидан бири; *ўқиш* – талабанинг олинган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш фаолияти; талабанинг билиши, машқ қилиши (ўрганиши) ва орттирган тажрибаси асосида хулқ-атвори ва фаолиятида янги ўзгаришлар (компетенциялар) шаклланиши; таълим жараёнининг таркибий қисмларидан бири; 2) профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти (мулоқоти); 3) профессор-ўқитувчи томонидан раҳбарлик қилиниши (белгиланган мақсадларга мувофиқ мазмуни аниқланиши, ташкилий шакллари, методлари ва воситалари танланиши); 4) режали ташкил этилиши ва бошқарилиши; 5) яхлитлиги ва умумийлиги; 6) талабаларнинг ёши бўйича ривожланиш қонуниятларига мувофиқлиги; 7) талаба шахсининг камол топиши ва маданияти шаклланишини бошқариши.

Умуман, олий таълим муассасаларида маърифат ва таълимнинг 20 дан ортиқ тармоғи (техник, меъморий, психологик, табиий-илмий, кимёвий-технологик, энергетик, математик, биологик, географик, тиббий, мусиқий, бадиий, тарихий, ҳарбий, ҳуқуқий, иктисодий, педагогик ва ш.к.), жумладан, экологик маърифат ва экологик таълим фарқланади.

**Экологик маърифат** – талабаларга «экологик муаммоларни ўрганишга, уларни ҳал қилишда иштирок этишга ва атроф-муҳитни яхшилаш чораларини кўришга имкон берадиган жараён» ([www.epa.gov](http://www.epa.gov)...) – ижтимоий-экологик ҳодиса, ижтимоий-экологик ҳаётнинг муҳим соҳаси; шахс, жамият ва табиат ўзаро алоқадорлиги ва бирлигининг умумлашган шакли; экологик қадриятлар («табиат», «ҳаёт» ва «саломатлик»), экологик жамият («табиат ва жамиятнинг ўзаро уйғун муносабати», «табиат ва жамият коэволюцияси»), ижтимоий-экологик онг («табиат ва жамият» тизимининг энг мақбул ҳолатига эришишга қаратилган хулқ-атвор тамойиллари ва меъёрлари – экологик муносабатлар ва экологик ҳаракатлар) ва экологик шахс (экологик онгли ва маданиятли, ўзида табиат, жамият ва одам манфаатларини уйғунлаштирган шахс) тузилмаларини камраб олган алоҳида мажму (тизим); одам ирсияти ва атрофдаги табиий-ижтимоий муҳитнинг экологик шахс камолотига таъсирини тартибга солиб турадиган, одам табиатини ўзгартиришга қодир бўлган ягона восита. Экологик маърифатнинг мақсади – одамни жамиятдаги устувор экологик мақсадлар, қадриятлар ва эътиқодлар мажмуи билан таништириш орқали экологик шахс камолотини бошқариш ҳамда экологик онгли ва маданиятли шахсни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу мақсадга унинг икки «қаноти» – экологик таълим ва экологик тарбия, уларнинг узвий бирлиги орқали эришилади.

Экологик маърифатни жараён, натижа ҳамда тизим сифатида қуйидагича тавсифлаш мумкин: 1) жараён сифатида – экологик таълим, экологик тарбия, шунингдек мустақил ўқиш жараёнида

экологик билимлар, экологик кўникма ва малакалар, амалий ва ижодий экологик фаолият тажрибаси, экологик қадриятли мўлжаллар ва муносабатлар тизимининг ўзлаштирилиши; 2) натижа сифатида – экологик билим ва кўникмаларни, экологик тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришилган даража – экологик маълумот; 3) тизим сифатида – Давлат таълим стандартлари (талаблари) ва экологик таълим-тарбия дастурларининг ўзаро изчил мажмуи, уларни амалга оширувчи ўқув-тарбия муассасалари ва бошқарув органлари тармоғи.

Хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг олтинчи йиллари охиридан бошлаб экологик маърифат ҳақида инглиз (William, 1969) кейинчалик рус, француз ва немис тилларида кўплаб педагогик ва илмий-оммабоп адабиётлар, мақолалар чоп этила бошлаган. Бироқ бугунги ўзбек миллий педагогикаси, хусусан, география ва биология таълими назарияси ва методикасининг тушунча-терминология тизимида «экологик маърифат» ёки «экологик илм-маърифат» тушунчаси (категорияси) мавжуд эмас. Ваҳоланки, хорижий мамлакатлар педагогикаси (дидактикаси) ва хусусий методикасида «экологик маърифат» тушунчаси (русча «экологическое образование», инглизча «environmental (ecological) education») асосий категория сифатида аллақачон шаклланиб, «экологик таълим» тушунчаси эса (русча «экологическое обучение», инглизча «environmental (ecological) training») экологик маърифатнинг асоси сифатида қабул қилинган. Юқорида келтирилган фикрлардан аёнки, **экологик таълим** – экологик маърифатнинг бирламчи негизи, энг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда педагогика олий таълим муассасаларидаги экологик маърифий жараён тузилмасида урта таркибий қисми ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **экологик таълим** – экологик билимлар, кўникма ва малакалар (экологик компетенциялар) тизимининг ўзлаштирилиши, яъни талаба шахсини экологик-интеллектуал ривожлантириш билан боғлиқ жараён. Экологик таълимнинг вазифалари экологик ўқиш (билиш) жараёнига алоқадор бўлиб, экологик онг, экологик тафаккур ва экологик дунёқараш каби тушунчаларда ўз аксини топади;

- **экологик тарбия** – талабаларнинг экологик эҳтиёжи, қизиқиши, эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, экологик қоидалар, йўл-йўриқлар воситасида экологик тўғри мўлжал олишини таъминлайдиган, уларнинг табиатга (атроф-муҳитга) ҳиссий-ахлоқий, эҳтиёткор ва масъулиятли муносабатини тавсифлайдиган қарашлар, эътиқодлар ва ҳулқ-атвор меъёрларини шакллантириш жараёни. Экологик тарбиянинг вазифалари экологик қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, экологик шахс, экологик масъулият, экологик тарбияланганлик, экологик маданият каби тушунчаларда ўз аксини топади;

- **экология маорифи** – жамиятда атроф-муҳит масалаларига қизиқишни фаоллаштириш, кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш асосида ижтимоий-экологик онгни шакллантиришнинг узлуксиз жараёни. Бу экологик билим ва ахборотларни тарқатиш, аҳолининг экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари бўйича экологик саводхонлигини ошириш жараёни бўлиб, унда талабаларнинг фаол иштирок этиши назарда тутилади.

Экологик таълим экологик ўқитиш ва экологик ўқиш жараёнларининг бирлигини ифодалайди. Хусусан, **экологик ўқитиш**, яъни профессор-ўқитувчи фаолиятининг экопедагогик моҳияти бўлғуси биология ёки география ўқитувчиларига экологик машғулотлар мақсади ва вазифаларини тушунтириш, уларни янги экологик билимлар (далиллар, воқеа-ҳодисалар, қонунлар) билан таништириш, уларнинг экологик билим, кўникма ва малакаларни (экологик компетенцияларни) ўзлаштириш, илмий экологик қонун ва қонуниятларни билиш, экологик назариядан экологик амалиётга ўтиш жараёнларини бошқариш, тадқиқий ва ижодий экологик фаолиятини ташкил этиш, шунингдек экологик ўқиши ва экопедагог сифатида камол топишидаги ўзгаришларни текшириши ва баҳолаши орқали намоён бўлса, экологик ўқиш, яъни талаба фаолиятининг экологик моҳияти унинг экологик ўқишга муносабати бўйича шахсий фаоллигида, янги экологик билим, кўникма ва малакаларни (экологик компетенцияларни) ўзлаштиришида,

хусусан, экологик билимларни таҳлил этиши, синтез қилиши, такқослаши ва таснифлашида, экологик қонуниятлар, сабаб-оқибат боғланишларини тушунишида, экологик муаммоларни мустақил ҳал этиши бўйича амалий экологик фаолиятида, шунингдек ўз-ўзини экологик назорат қилиши, эришган ютуқларини ҳолис баҳолашида зоҳир бўлади.

Профессор-ўқитувчи ва талабалар мулоқоти экологик таълимнинг турли моделларида амалга оширилиши мумкин: изоҳли-кўрсатмали экологик таълим (профессор-ўқитувчи экологик билимларни «тайёр» кўринишда баён қилади, талаба тинглаб, хотирасида сақлаб ўзлаштиради ва аслидай қайтаради, яъни ўрганилган материални айтиб беради), муаммоли экологик таълим (талаба экологик ижодий топшириқларни ечиш жараёнига жалб этилади, янги экологик тушунчалар ва қонуниятларни мустақил ўрганади ва экологик билимлар талабанинг изланиши, кузатиши, таҳлил этиши ва фикрлаши натижасида ўзлаштирилади), шахсга йўналтирилган экологик таълим (экологик ўқиш жараёнида талабанинг ички имконияти рўёбга чиқарилади, экологик таълим кўрсатмали топшириқлар занжири асосида мураккаблашиб боради, талаба ҳар хил экологик фаолият турларига, экодидатик ўйинлар ва баҳс-мунозарага жалб этилиб, шу орқали экологик билимлар ва фаолият усуллари ўзлаштирилади), дастурлаштирилган экологик таълим (экологик ўқув материали осон эгалланадиган кичик бўлақларга ажратилиб, талабага кетма-кет тақдим этилади ва уларнинг ўзлаштирилиши текшириб борилади). Бу моделларнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд. Экологик таълим моделлари қандай бўлишидан қатъий назар, унинг асосини профессор-ўқитувчи томонидан тақдим этиладиган ва талабалар томонидан ўзлаштириладиган экологик билим, кўникма ва малакалар ҳамда экологик компетенциялар ташкил қилади:

- экологик билим – талабаларнинг тирик организмлар (одам) билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид табиий-илмий, ижтимоий ва техникавий билимлари, уларни ўзаро узвий боғлиқликда (экологик жараёнлар, қонунлар, қонуниятлар, назариялар, қарашлар, умумий тушунча ва тасаввурларни) ўзлаштириши, муайян тизимга солиши ва хотирасида мустақамлаши, яъни ўрганилган экологик маълумотларни (ахборотларни) эслаб қолиши ва қайта тушунтириб бериши;

- экологик кўникма – талабаларнинг экологик онгли хатти-ҳаракатларни, экологик фаолият усуллари тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва ақлий куч сарфланган ҳолда бажариш жараёни ва натижаси, яъни ўрганилган экологик билимларни таниш вазиятларда қўллай олиши;

- экологик малака – талабаларнинг экологик фаолиятни моҳирлик билан бажариш даражаси, унинг айрим таркибий қисмларини автоматлашган тарзда амалга ошириши ёки экологик онгли хатти-ҳаракатларнинг автоматлашуви, яъни ўрганилган экологик билимлар ва шаклланган экологик кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиши ва янги экологик билимлар ҳосил қилиши;

- экологик компетенция – талабаларнинг ўзларида мавжуд экологик билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

### **Хулоса**

Миллий педагогика назарияси ва амалиётида, хусусан, биология ёки география таълими назарияси ва методикасида «экологик маърифат» ва «экологик таълим» тушунчаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари илмий асосда талкин этиш учун ушбу тушунчаларининг мазмуни тулик таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бирига аниқ таърифлар берилиши талаб этилади, акс ҳолда узлуксиз таълимда кузатилаётган илмий-методик чалқашлик ва хатоликларга буткул барҳам берилмайди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. / З.М. Маъруфов таҳрири остида. I том. –Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.- 455-бет.

2. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат / А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. - Т.: “Шарқ”, 1998. - 116-бет.

3. What is Environmental Education? United States Environmental Protection Agencyhttps://www.epa.gov/education/what-environmental-education

4. William B. Stapp. The concept of environmental education//The Journal of Environmental Education, 1969.N 1 (1)- P. 30–31.

1.